

УДК: 619.995.1.616.995.121.

ИТЛАРДА ЦЕНУРОЗ КАСАЛЛИГИНИ КУЗГАТУВЧИСИ ТОҒ-ТОҒОЛДИ ҲУДУДДА MULTECEPS MULTECERS ТАРҚАЛИШИ

Ҳакимов Б.Н., Қулдошев О.У., Ҳакимов М.Б., Курбанов Б.М.

Ветеринария илмий – тадқиқот институти, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд ш.

РАСПРОСТРАНЕНИЕ ВОЗБУДИТЕЛЯ БОЛЕЗНИ ЦЕНУРОЗА MULTECEPS MULTECERS В ГОРНЫХ РЕГИОНАХ У СОБАК

Хакимов Б.Н., Кудосhev О.У., Хакимов М.Б., Курбанов Б.М.

Научно – исследовательский институт ветеринарии, Республика Узбекистан, г. Самарканд

DISTRIBUTION OF COENUROSIS MULTECEPS MULTECERS DISEASE IN MOUNTAIN REGIONS IN DOGS

Hakimov B.N., Kuldoshev O.U., Hakimov M.B., Kurbanov B.M.

Scientific Research Institute of Veterinary Medicine, Republic of Uzbekistan, Samarkand

e-mail: nivi@vetgov.uz

Резюме. Ушбу мақола Қашқадарё вилоятининг Дехқонобод тумани “Кунгирот қарақўлчилик” масъуляти чекланган жамияти отардаги чўпон итларида *Multiceps multiceps*, *Echinococcus granulosus*нинг тарқалиши ва касалликнинг олдини олиш тадбирлари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: *Echinococcus granulosus* (larva), Онкосфера, ценуроз, протосколекс, гельминтлар.

Abstract. This article provides information on the spread of *Multiceps multiceps*, *Echinococcus granulosus* and the prevention of the disease in the herd of shepherd dogs of the limited liability company "Kungirost Karakolevocheskih" LLC, Dekhkanabad district, Kashkadarya region.

Keywords: *Echinococcus granulosus* (larva), oncosphere, coenurosis, protoscolex, helminths.

Мавзуни долзарблиги: Республикамизда кенг миқёсида амалга оширилаётган ислохатлар, кўйчиликда учрайдиган гельминтозларнинг эпизоотологик ҳолатини ўрганиш, уларга қарши такомиллашган кураш чораларини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш ҳайвонлар орасида кенг тарқалувчан инвазион касалликлар ва уларнинг оқибатида ҳайвонлар ўлим ва мажбурий суйилишининг олдини олиш, жойларда гўшт ва сут маҳсулдорлигини оширишга имкон беради. Ҳукуматимиз томонидан фермер ва масъуляти чекланган жамияти хўжаликларида қорақўлчиликни янада ривожлантиришга тўсик қилувчи омиллар ҳали мавжуд бўлиб, отарлардаги мавжуд чўпон итларнинг ўз вақтида гижжасизлантирилмаслиги бунинг натижасида қорақўлчилик фермер ва масъуляти чекланган жамиятлардаги бир ва икки ёшгача бўлган қўйларнинг ценуроз касаллигидан нобуд бўлиши билан яқунланади.

Кишлоқ хужалик ҳайвонларининг цестодоз касалликларидан ценуроз касаллиги республикамизнинг барча куйчилик хужаликларида учрайди.

Кишлоқ хужалик ҳайвонларининг ларвалли цестодозлари кенг тарқалган бўлиб, катта иктисодий-ижтимоий зарар келтираётган гельминтоз касалликлар қаторига киради. Бу муаммонинг долзарб томони шундаки, ларвалли цестодоз касалликларини даволаш усуллари

ҳанузгача ишлаб чиқилмаган уларга қарши курашининг бирдан бир йули бу профилактик тадбирлардир.

Маълумки, лавалли цестодозларнинг кенг тақалишида асосий ўринни ит ва бошқа гўштхур ҳайвонлар эгаллайди. Ҳозирда бир қанча антигельминтиклар тавсия этилганлигига қарамай, гельминтсизлантириш тадбирлари жойларда режа асосида мунтазам равишда олиб борилмаяпти.

Шуни инобатга олиб, қўтонлардаги чўпон итларининг мультицепсис-мультицепсис гельминти билан зарарланганлигини аниқлашни мақсад қилинди.

Тадқиқот материаллар ва усуллари: Тадқиқот ишлари Қашқадарё вилояти Дехқонобод тумани “Кунгирот қарақўлчилик” масъуляти чекланган жамиятига қарашли 12 та қўтондаги 37 бош чўпон итлари табиий зараланган муҳитда олиб борилди.

Итларни гижжасизлантириш М.Аминжанов (1987) усулга кўра, гижжасизлантириш учун ареколин гробромид препаратининг 0,01% сувли эритмаси ишлатилди. Препарат эритма 5 мг/кг миқдорда итни боғланган ҳолатда оғиз орқали (per os) берилади, сўнгра итлар ахлати билан ажралиб чиққан гельментлар қайси турдаги гельментлар ажралиб чиқанлиги аниқланиб, итларни қўйиб юборилди.

Жадвал 1. “Қунғирот қорақўлчилик” МЧЖ қўтонлардаги чўпон итларининг *M. Multiceps* билан зарарланганлик даражаси

Т.р	Хўжалик номи	Текширилган қўтонлар сони, та	Текширилган итлар сони, бош	Зарарланган итлар сони, бош	Фойз	Топилган гельментлар тури			
						<i>M. multiceps</i>		<i>E.granulosus</i>	
1	“Қунғирот қорақўлчилик”МЧЖ	12	37	8	21,6	7	87,5	1	2,5
Жами		12	37	8	21,6	7	74,4	1	2,5

Тажриба натижалари ва уларнинг тахлили: Қашқадарё вилояти Дехқонобод тумани “Қунғирот қорақўлчилик” масъуляти чекланган жамияти қорақўлчиликка ихтисослашган ва хўжалик қўйлар орасида бир неча йиллар давомида ценуроз касаллигига учраб иқтисодий зарар етказиб келмоқда.

“Қунғирот қорақўлчилик” масъулятига қарашли қўтонларда чўпон итлари ўртача 2-4 бош итлар сақланади. Чўпон итларининг *Multiceps multiceps* гельминти билан зарарланиш даражасини аниқлаш учун уларни боғлиқ холда сақлаб ареколин гидробромид препаратининг 0,01% сувли эритмаси 5 мг/кг трик вазнига оғиз орқали берилди.

Натижада итларда кучли даражада ахлат ажратилиши ва шу билан биргаликда *Multiceps multiceps*, *Echinococcus granulosus* гельминтларнинг вояга етгани ажралиб чиқди, бу чиққан гельментлар йиғиб олиниб махсус чуқур қозилиб ушбу чуқурга ташланиб устидан бензин куйилиб ёкиб юборилди, чўпон итларнинг гельминтлар билан зарарланиш натижалари №1 жадвалда келтирилган.

Жадвалдаги маълумотлардан кўришиб турибдики, Қашқадарё вилояти “Қунғирот қорақўлчилик” масъуляти чекланган жамиятидаги текширилган 12 та қўтондаги 37 бош чўпон итларининг 7 боши (21,6%) *Multiceps multiceps* гельментлар билан зарарланганлиги, 1 бош (12,5%) итда *Echinococcus granulosus* гельминти билан зарарланганлиги аниқланди.

Хулоса: Қашқадарё вилоятининг Дехқонобод тумани “Қунғирот қорақўлчилик” масъуляти чекланган жамиятидаги чўпон итлари мультицепсис гельминти билан зарарланиши оқибатида бир ва икки ёшдаги қўйларнинг ценуроз касаллигига чалиниши сабабли масъуляти чекланган жамиятига катта иқтисодий зарар етказилиши аниқланди.

Шуни таъкидлаш зарурки, фермер ва масъуляти чекланган жамиятларнинг чўпон отарлардаги итларини ҳар кварталда бир маротаба гижжасизлантириш ишлари олиб бориш шартлиги ва зарурлиги маълум бўлди.

Адабиётлар:

1. М.Аминжанов Ш.М., Аминжанов М.А. Эхинококкознинг иқтисодий ва ижтимоий зарари // “Зооветеринария” -№ 7. 2009-Б. 23.
2. Азимов Ш.А., Бекеров З., Джумаев З. Цестодозы собак пердгорногорной зоны Қашқадарьинской области // Мат. Научной конф. “Проблемы морфологии и паразитологии”. 1975.с.72-74.
3. Аминжонов М. Дегельминтизации и методы ее усовершенствования при цестодозах собак // Тр. УзНИВИ. Ч.11., 1979. Т. 19. С.21-30
4. Бекиров Р., Джумаев З., Пулатов Г., Новые антигельминтики против цестодозов собак.//Тр.УзНИВИ. Т.36. 1984. С. 7-11.
5. Бойсугуров Т. Арзиев Х. “Қизилқум” ва чегарадош массивларда итларнинг мультицептозлар билан зарарланиши. Илмий мақолалар тўплами. УзНИВИ., “Ўзбекистонда қишлоқ хўжалик ҳайвонлари касалликларига қарши кураш ва олдини олиш тадбирлари”. 18-21 бетлар 2000 й.
6. Хекбердиев П.С. ва бошқалар Ҳайвонларнинг ларвал цестодозлари ва уларга қарши кураш тадбирлари // “Қишлоқ тарақиёти ва фаровонлигини оширишда аграр фанлар ютуқларининг ўрни” Республика илмий-амалий конференцияси илмий мақолалар тўплами 2-кисим-Самарқанд, 2009-Б. 77.

РАСПРОСТРАНЕНИЕ ВОЗБУДИТЕЛЯ БОЛЕЗНИ ЦЕНУРОЗА *MULTICEPS MULTICEPS* В ГОРНЫХ РЕГИОНАХ У СОБАК

Хакимов Б.Н., Қулдошев О.У., Хакимов М.Б., Курбанов Б.М.

Резюме. В данной статье приведены сведения о распространении *Multiceps multiceps*, *Echinococcus granulosus* и профилактики заболевания в стаде овчарок общества с ограниченной ответственностью «Қунғирот Қарақолевоческих» ООО Дехқанабадского района Қашқадарьинской области.

Ключевые слова: *Echinococcus granulosus* (личинка), онкосфера, ценуроз, протосколекс, гельминты.